

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганини учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судга ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро интисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурасасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳолатларда (сиг'иб бўлмайдиган қучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/этирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқиний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20__ йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таъбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20__ йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шакlining ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p>ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АК Навоийфилиали Манзил: Меъморлар 17А_ Банк маълумотлари: х/р: 2021 0000 4040 7483 8382_ СТИР: 203366731; МФО: 00401; АТБ “Алокабанк” Тел: 792240212_ Б-ҳиши: b2b@uztelecom.uz_</p>	<p>АБОНЕНТ: Навбахор Бандлик маркази Манзил: <i>Бешкент йурида</i> Банк маълумотлари: х/р: _; СТИР: <i>200010804</i> МФО: Банк номи: <i>Алокабанк</i> Тел: <i>56-2-19-91</i> E-mail: _____</p>
<p>Оператор номидан: <i>[Signature]</i> Ф.И.Ш. /имзо/ м.ў.</p>	<p>Абонент номидан: <i>[Signature]</i> Ф.И.Ш. /имзо/ м.п.</p>



Юрист: В. Комаров